

Масжидул Ҳаромда зиёратчиларга саккиз миллион литр замзам тарқатилди



13:10 / 13.04.2022 2179

Рамазон ойининг биринчи ўн кунлигида Масжидул Ҳаромга ташриф буюрган зиёратчиларга саккиз миллион литр замзам суви тарқатилди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Саккиз миллион литр замзам бир марталик бутилкаларда ва масжид атрофида жойлашган 25 минг контейнер орқали улашилди.

Масжиднинг турли кириш жойларида 100 дан ортиқ ходим хизматчилар жойлаштирилган бўлиб, улар ҳозирда зиёратчиларни кутиб олиш, уларга йўл кўрсатиш, одамлар оқимини бошқариш ва хавфсизлик ходимларини қўллаб-қувватлаш учун кўмаклашмоқдалар.